

НЕМИС ТИЛИ ТИЗИМИДА ЎЗЛАШМА НЕОЛОГИЗМЛАР КЎПЛИК ШАКЛИ ЯСАЛИШИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

А.Б.Ахмедов. Немис тили ва адабиёти кафедраси доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация. Мақола ҳозирги немис тилида инглизча ўзлашма от неологизмларнинг кўплик шакли ясалиши билан боғлиқ тенденцияларни ўрганишга бағишланган.

Таянч сўзлар: ўзлашма неологизм, *Singularia Tantum*, *Pluralia Tantum*.

Аннотация: Статья посвящена изучению тенденций формирования формы множественного числа неологизмов английского происхождения в современном немецком языке.

Ключевые слова: неологизмы-заимствования, *Singularia Tantum*, *Pluralia Tantum*.

Annotation: The article is devoted to the study of trends in the formation of the plural form of neologisms of English origin in the modern German language.

Keywords: neologisms-borrowings, *Singularia Tantum*, *Pluralia Tantum*.

Ўзлашма отларнинг немис тилига морфологик ассимиляциясидаги муҳим жиҳат уларнинг род категориясини қабул қилиши, сон ва келишик тизимига интеграцияси масаласидир¹. Мазкур мақолада инглиз тилидан немис тилига ўзлашган от неологизмларнинг кўпликка ўтиш масаласи хусусида тўхталамиз.

Инглиз тили билан қиёслаганда, немис тилида отларнинг кўпликка ўтиш жараёни анча мураккаб кечади. Немис тилида кўплик шакли ясалишида от олдида келган артиклар ўзгаради, айрим отларнинг ўзагидаги *a*, *o*, *u* унлилари умлаут олади ва асосга *-e*, *-(e)n*, *-er*, *-s* каби суффикслар қўшилади. Инглиз тилида кўплик шакли (асосдаги товушларини ўзгартириш орқали

¹ Yang, W. *Anglizismen im Deutschen. Am Beispiel des Nachrichtenmagazins Der Spiegel.* –Tübingen:Niemeyer. – 1990. – S.49.

кўплик шаклини ясайдиган санокли отларни ҳисобга олмаганда), асосан -s суффиксини кўшиш йўли билан ясалади.

Инглизча ўзлашмалар немис тилида -s суффиксини кўшиш орқали ясалган кўплик шаклида қабул қилинади. Асосга кўшилган ушбу суффикс сўзнинг просодик структурасини ўзгартрмайди. Аксарият ўзлашма отлар кўплик шаклини мазкур суффикс ёрдамида ясайди². Немис тили тизимида кўллана бошлаган айрим инглизча ўзлашмалар -s суффикси билан бир қаторда немис тилига хос усуллар орқали ҳам ўз кўплик шаклини ясайди, масалан *das Emoji* (кўплик шакли *Emojis, Emoji*); *das First-World-Problem* (кўплик шакли, *First-World-Problems, First-World-Probleme*)

Айрим тилшуносларнинг фикрича, кўплик ясовчи -s суффикси ўзлашма сўзнинг немис тили тизимига тўлиқ мослашувидаги ўткинчи ҳодисадир. Бироқ немис олими Д.Шелпернинг таъкидлашича, мазкур суффикс ёрдамида кўплик шаклини ясаган барқарор инглизча ўзлашмалар немис тилида кўп учрайди³.

Биз таҳлил қилган сўзлар орасида -s суффикси ёрдамида кўплик шаклини ясаган ўзлашма неологизмлар сон жиҳатдан катта гуруҳни ташкил қилади. Бундан ташқари, ўзлашма отларда кўплик ясалишида қуйидаги ҳолатларни ҳам қайд этиш мумкин:

1) *Singularia Tantum* ва *Pluralia Tantum* (фақат бирлик ёки фақат кўпликда кўлланиш) кўп ҳолларда инглиз тили қонунларига мос равишда кўлланади.

Singularia Tantum: der Bitcoin, das Clickbaiting, das, der, die Clickbait, das Crowdfunding, das Cybergrooming, die Friendzone, die Kafala, die Ransomware, die Friendzone.

Pluralia Tantum: die BRICS.

2) немис тили тизимига мослашган аксарият ўзлашма отлар кўплик шаклини немис тилига хос воситалар орқали ясайди:, масалан *der Femizid* –

² Götzel, C. Anglizismen in der Pressesprache: alte und neue Bundesländer im Vergleich. Greifswalder Beiträge zur Linguistik. –Bd. 5. Bremen: Hempen, 2008. – S.204

³ Schelper Dunja. Anglizismen in der Pressesprache der BRD, der DDR, Österreichs und der Schweiz: eine vergleichende, typologische und chronologische Studie. Ottawa, 1995. – S.263.

die Femizide, das First-World-Problem – die First-World-Probleme, der Hater – die Hater, der MOOC – die MOOC, die Powerbank – die Powerbänke; der Youtuber – die Youtuber

3) айрим ўзлашма неологизмлар ўзгарувчан кўплик шаклига эга: *das Emoji – die Emojis/Emoji; das First-World-Problem – die First-World-Problems/First-World-Probleme, der MOOC – die MOOCs/MOOC, die Powerbank – die Powerbanks/Powerbänke, der Hater – die Haters/die Hater*

4) род категориясига эга бўлмаган ўзлашма неологизмлар ҳам мавжуд: *BRICS, Precobs, Vatileaks*.

Юқоридаги фикрларни хулосалайдиган бўлсак, инглиз тилидан ўзлашган от неологизмларда, аксарият ҳолларда кўплик шакли -s суффиксини кўшиш орқали ясалади, бунда асосга кўшилган ушбу суффикс сўзнинг просодик структурасини ўзгартирмайди. Шу билан бир қаторда айрим инглизча ўзлашма от неологизмлар немис тилига хос усуллар орқали ҳам ўз кўплик шаклини ясайди. Бундан ташқари, род категориясига эга бўлмаган, шунингдек ўзгарувчан кўплик шаклига эга бўлган инглизча ўзлашма от неологизмлар ҳам учрайди.

Адабиётлар

1. Götzeler Christiane. Anglizismen in der Pressespache: alte und neue Bundesländer im Vergleich / Christiane Götzeler. – Текст: непосредственный // Greifswalder Beiträge zur Linguistik 5. – Bremen: Hempen, 2008.

2. Schelper Dunja. Anglizismen in der Pressesprache der BRD, der DDR, Österreichs und der Schweiz: eine vergleichende, typologische und chronologische Studie. Ottawa, 1995.

3. Yang Wenliang. Anglizismen im Deutschen, am Beispiel des Nachrichtenmagazins Der Spiegel. Tübingen, 1990. Yang W. Anglizismen im Deutschen. Am Beispiel des Nachrichtenmagazins Der Spiegel. –Tübingen: Niemeyer. –1990.